


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқариши ва аэронавигация магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт университети.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислитининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	4
1.2.3.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги.....	9

## **1. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислигининг умумий таснифи**

**71040201 - Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.**

### **1.1. Кўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – Олий мактаб профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходим ва тингловчилари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган Олий мактабнинг бошқарув ходимлари (директор, директор ўринbosарлари, ўкув-услубий бўлими бошлиғи ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- Олий мактабни молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бакалаврлар ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

##### **1.2.1. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.**

**71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация мутахассислиги – “Транспорт хизматлари” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб:**

- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;

- илмий-тадқиқот марказлари;

- илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари;

- олий ва ўрта маҳсус таълим тизимининг ташкилотлари;

- давлат бошқаруви органлари;

- ҳаво ҳаракатини боқариш ва хизмат кўрсатиш, уларни эксплуатация қилувчи, мулкчиликнинг турли шаклдаги авиааташкилотлар мажмуини қамраб олади.

##### **1.2.2. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- авиация транспортини ҳаводаги ҳаракатини бошқариш тизими ташкилотлари;

- аэропортлар;

- “Ўзаронавигация” ДУК ташкилоти;

- авиация соҳасидаги акциядорлик жамиятлари;

- техник хизмат кўрсатиш ва диагностика воситалари;
- олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими муассасалари;
- авиаация соҳасида илмий тадқиқот ва лойиҳалаш жараёнлари.

**1.2.3. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарши ва аэронавигация мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳаш-конструкторлик-технологик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- консалтинг хизмати фаолияти.

**1.2.4. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарши ва аэронавигация мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарши ва аэронавигация мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятда:**

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:**

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва тадқиқот қилиши;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш малакаларига эга бўлиши;
- электр таъминот тизимларида янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадбиқ қилинишини ташкил қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш қобилиятига эга бўлиши;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- мутахассислик бўйича авиация соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шархини ишлаб чиқиши;
- авиация соҳасига оид лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши.

## **2. 71040201-Ҳаводаги ҳаракатни бошқарии ва аэронавигация таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуктаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг моҳиятини англаши;
- табиат ва жамиятда юз берадиган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи хукукий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий хукукий хужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услугига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий-танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмасиши воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усуулларини эгаллаши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг, рақамли иқтисодиётнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усууллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнкимларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий хавфсизлик тамойилларини қўллай билиш;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кицникмаларига эга бўлиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш; автотранспорт воситалари ҳар хил турларини ишлаб чиқувчи ва уларни эксплуатация қилувчи, мулкчиликнинг турли шаклидаги саноат ва бизнес ташкилотларида фаолиятни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- меъёрий-хуқуқий хужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтказишни билиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратурунинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, виртуал лаборатория, авиаация транспорт тизимлари, интеллект, обьект, муҳофазалаш, маълумотлар базалари, авиааранспорт воситаси, учиш-кўниш йўлакчаси, метеорологик маълумотлар, ҳаво трассаси, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимлари, ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш, авиадиспетчер эргономикаси.

## КЕЛИШУВ ВАРАФИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил « »  
М.Ү.

### КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202 йил « »  
М.Ү.



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202 йил « »  
М.Ү.

М.Ү.

“Ўзаэронавигация” маркази ДУК

Директор  А.Ашуров

М.Ү.



И.Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор  С.Турабджанов

202 йил « »  
М.Ү.

